

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Ш.Норов	
Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати қонунчилигининг тарихий шаклланиши.....	79
К.Тошов	
Иккинчи жаҳон уруши йилларида сурхон воҳаси меҳнаткашларининг фронт ортидаги фаолияти	84
Г.Эгамбердиева	
Ўзбекистонда туризм соҳасини ислоҳ қилиш бошқичлари (XX асрнинг иккинчи ярми – XXI асрнинг биринчи чораги)	89
И.Ғуломов	
1926 йили Ўзбекистон ССР аҳолисини рўйхатга олиш тадбирининг яқунлари айрим рақамларда	94

АДАБИЁТШУНОСЛИК

О.Туйчиева	
«Жавоҳир ул-ажойиб» аёлларга аталган илк тазкира сифатида	99
З.Яхшиева	
Тетралогияда тарихий ҳақиқат ва пафоснинг уйғунлиги.....	103
Ф.Икромхонова	
АҚШ адабиётида тарихий асарнинг шаклланиши	107
О.Дадажонов	
Жадид драмасида таълим-тарбия масаласи ва қаҳрамон талқини	111

ТИЛШУНОСЛИК

С.Хашимова	
Хитой тилида редупликатив феълларнинг маъноси ва қўлланилиш хусусиятлари.....	114
О.Бегимов	
Жанубий Ўзбекистон орообъектларининг номланишида диний тушунча ва тасаввурларнинг мотивланиши	119
З.Акбарова	
Олам лисоний манзарасига доир қарашлар таҳлили	124
Г.Ҳакимова	
Инглиз ва ўзбек тилларидаги зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг семантик таҳлили ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари	129
У.Раҳмонов	
Инглиз тилида ҳақоратни ифодаловчи эмоционал сўзлар таҳлили.....	133
А.Уралов	
Морфемалар тизимида аффиксоидлар масаласи	138

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Л.Аҳмедова	
Олий таълим жараёнида инглиз тилини ўқитишда ўйин методлари: назария ва амалиёт	143
С.Сидиков, Г.Сидикова, А.Қосимов	
Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг моторли хусусиятларини ривожлантиришда акцентланган дарсларининг самарадорлиги	150

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева	
Юкланган Бернулли тенгламаси учун интеграл шартли масала.....	155
О.Ахмаджонова	
Бессел-Клиффорд функцияларининг баъзи умумлашмалари ва уларнинг хоссалари	160
К.Ражапов, И.Хомидов	
Муаммоли геометрик масалаларни алгебраик тенгламалардан фойдаланиб ечиш	163

УДК: 41+415.61

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ЗООНИМИК КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИК
БИРЛИКЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**СЕМАНТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ С КОМПОНЕНТОМ-
ЗООНИМОМ В АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ И ИХ НАЦИОНАЛЬНО-
КУЛЬТУРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ**

**SEMANTIC ANALYSIS OF PHRASEOLOGICAL UNITS WITH ZOONYMIC COMPONENT
IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES AND THEIR NATIONAL CULTURAL PECULIARITIES**

Г.Ҳакимова

Аннотация

Мақолада инглиз ва ўзбек тилларида зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари таҳлил этилган. Ўтказилган тадқиқот натижалари инглиз тилидаги зоонимик компонентли фразеологик бирликлар ва улар семантикасидаги миллий-маданий элементлар турли халқлардан кириб келганлигини кўрсатди.

Аннотация

Данная статья анализирует национально-культурные особенности фразеологических единиц с компонентом-зоонимом в английском и узбекском языках. Проведенное исследование показало, что фразеологические единицы с компонентом-зоонимом, содержащие национально-культурные элементы семантики, позаимствованы разных народов.

Annotation

The article has analyzed national and cultural peculiarities of English and Uzbek phraseological units with an "animal" component. The research analysis showed, that phraseological units with an "animal" component, which came into the English language from various cultures make up the most numerous groups of phraseological units with national and cultural components of semantics.

Таянч сўз ва иборалар: фразеологик бирликлар семантикаси, зоонимик компонентли фразеологик бирликлар, семантик таҳлил.

Ключевые слова и выражения: семантика фразеологических единиц, фразеологические единицы с компонентом-зоонимом, семантический анализ.

Keywords and expressions: the semantics of phraseological units, phraseological units with an "animal" component, semantic analysis.

Фразеология тилнинг ажралмас қисми бўлиб, ўзига хос, ёрқин ифодали, ғайриоддий хусусиятга эга, маданият ва миллийликни ўзида мужассамлаштиради, шу билан бирга маълум бир тилнинг хусусиятларини, тил соҳиблари, уларнинг ўзаро муносабатлари, дунёни тасавур қилиши, менталитети, миллий характери ҳамда фикрлаш услубини ҳам ифода эта олади.

Турли тилларнинг фразеологик бирликлари билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш қадимдан ўзига хос анъанага эга. Кенг кўламли илмий адабиётлар шундан далолат берадики, қарийб бир аср давомида фразеологияни хорижий давлатлар ва юртимиз олимлари ўрганиб келганлар.

Фразеологик бирликлар семантикаси ва фразеологизмлар хусусиятларини таҳлил қилиш борасида ҳозиргача баҳс ва

мунозаралар мавжуд. Бироқ, фразеологик бирлик, биринчи навбатда, семантик ҳодиса ва уни истисно қилишга уриниш ижобий натижаларга олиб келмаслигини ҳисобга олиш керак. Шубҳасиз, фразеология тилга ёрқинлик, жозоба, миллийлик руҳини бера олади ва тилларни бир-биридан фарқлашга хизмат қилади. Аммо, миллий ўзига хослик ҳақида гап кетганда, фразеологик бирликларнинг барча тилларда мавжудлиги ва умумбашарий хусусият эканлиги эътибордан четда қолмаслиги зарур.

Тадқиқотимиз учун зоонимик компонентли фразеологик бирликлар, яъни ҳайвон номлари мавжуд ва фразеологик хусусиятга эга бўлган турғун иборалар гуруҳини танладик. Бу танлов, биринчи навбатда, одамлар ва ҳайвонлар ўртасидаги алоқанинг минг йиллик тарихга эга бўлиши, унинг намоён бўлиш шакллари хилма-хил ва кўп сонли эканлиги

Г.Ҳакимова – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, тил аспекти кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.

билан изоҳланади.

Тарихий, географик ва ижтимоий омиллар таъсири остида ривожланаётган инсон ва ҳайвонот олами муносабатлари тилда яққол намоён бўлади. Тилнинг луғат заҳирасида антропоним и зоонимлардан таркиб топган сўз туркумлари ҳам учрашини унутмаслигимиз даркор. Шу сабабли, зоонимик компонентли фразеологик бирликлар учун, айниқса, зоонимларнинг лингвистик хусусиятларида антропоцентрик хусусиятларнинг намоён бўлиши муҳим саналади. Бу, ўз навбатида, тадқиқотнинг долзарблигини оширади.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларидаги зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг семантик хусусиятларини таҳлил қилишдан иборат бўлди. Бу соҳада илмий изланишлар олиб борган олимлар ишлари чуқур таҳлил қилинди. Академик В.В.Виноградовнинг рус тили фразеологияси масалаларига оид илмий асарларида фразеологик бирликларни турғун иборалар ёки лексик бирликлар ва сўз бирикмалари сифатида, шу билан бирга нутқ жараёнида қайта шаклланмаган, балки “тайёр иборалар”, “ажралмас бутун бирликлар”, “сўз эквивалентлари” сифатида кўриб чиқади [4]. Ушбу қоида умумназарий аҳамият касб этди ва уни бошқа кўплаб тадқиқотчилар турли тилларни ўрганишда қўлладилар.

А.И.Смирницкий фразеологик бирликларни семантик жиҳатдан бутун тарзда ҳосил бўлади ва бу бутунлик идиомага асосланади, деб таъкидлайди. Шу билан бирга фразеологик бирликларни тилнинг махсус иборалари сифатида ва нутқ жараёнида шаклланмайдиган иборалар, деб изоҳлаган [5].

М.К.Халикова номзодлик диссертациясида замонавий ўзбек тилшунослигида мавжуд тушунча ва қарашларни таҳлил қилган. Ушбу илмий асарда илк бор рус ва ўзбек тиллари мисолида фразеологизмларнинг миллий семантик муаммолари, фразеологизмлар семантикасига таъсир этуви экстралингвистик омиллар ўрганилган [7,26].

Ш.Д.Абдуллаев ўзбек тилида фразеологизмлар семантикасининг аҳамиятини Т.Кайипбергеновнинг “Қорақалпоқнома”, “Қорақалпоқ достони” асарлари мисолида очиб берди [1,21].

Фразеологик бирликларнинг, хусусан, зоонимик компонентли фразеологик бирликлар маъносидаги коннотациянинг муҳимлиги кўплаб тилшунослар томонидан қайд этилган.

Фразеологизмларни баҳолаш таркиби

эксплицит ва имплицит баҳолаш субъекти (яъни ким баҳоланади), объекти (нима баҳоланади), баҳолаш мезони ва маданий қадриятлар замирида баҳолаш стереотиплари ва алоҳида ажралиб турувчи шахсни ўз ичига олади [13].

Таркибнинг муҳим элементи баҳолаш мезони бўлиб, унда салбий, ижобий ва нейтрал маънога эга фразеологик бирликлар жой олган. Фразеологик бирликларнинг коннотациясини аниқлашда луғатлардаги махсус белгили сўз ибораларини таҳлил қилдик. Масалан, инглиз тилидаги айрим зооним семага эга фразеологик бирликлар куйидагилар:

1. Негатив маънога эга фразеологик бирликлар (as cross as a bear – итдай қутурган, a gay cat – кайф-сафога берилган, a fair cow – пасткаш одам; yellow dog – ярамас, пасткаш;

2. Нейтрал маънога эга фразеологик бирликлар (run like a deer – жуда тез югурмоқ, start a/another hare – янги муаммони кўтармоқ, horse and horse – тенг, бирдай);

3. Ижобий маънога эга фразеологик бирликлар (carry one's bat – ғолиб бўлмоқ, ютмоқ, take the bull by the horns – қатъият билан енгиб ўтмоқ, қийинчиликларни мардона енгмоқ, have a memory like an elephant – ажойиб хотирага эга бўлмоқ).

Зооним семага эга фразеологизмларнинг семантик аспекти мураккаб характерга эга. Бу, унинг мураккаб тузилиши билан боғлиқ бўлиб, унда сигнификатив, денотатив ва коннотатив таркибий қисмлар ажралиб туради.

Намуналардан фойдаланиш методи бўйича зоосемизмлар ажратилиб, уларнинг таркибидаги зоонимик компонентлар айримларининг таҳлили келтирилди.

a dog - as tired as a dog – итдай чарчамоқ

a good dog deserves a good bone – хизматига яраша мукофотламоқ

beware of a silent dog and still water – хурийдиган итдан кўрқма, жим турганидан кўрқ,

help a lame dog over a stile – бошга кулфат тушганда ёрдам бермоқ

a cat - a cat has nine lives – ҳеч қачон йиқилмайди, мушукдай ерга тўғри оёғи билан тушади, тегирмонга тушса бутун чиқади

a gay cat – кайф-сафога берилган, дайди итдай

has the cat got your tongue? – мулла мушукдай бўлиб қолмоқ ёки тилингни ютдингми?

Kilkenny cats – душманлар, бир-бирининг гўштини емоқ

a horse - beat/frog a dead horse – беҳуда

ТИЛШУНОСЛИК

уринмоқ
 dark horse – номаълум рақобатчи
 (ўтмишини ёки кимлигини билиб бўлмайдиган)
 play horse – найнимоқ, бетакаллуф
a pig - as greedy as a pig – жуда хасис
 in less than a pig's whisper – дарҳол,
 нафас ростлаб улгурмай
 what do you expect from a pig but a grunt –
 чаён фақат чақишни билади
a bat - as blind as a bat – шабқўр
 a bat out of hell – жуда тез, оёғини қўлига
 олиб
 sling the bat – уларга ўзини тилида
 тушунтирмоқ
a wolf - keep the wolf from the door –
 очликни енгмоқ, ночорликка қарши курашмоқ
 throw smb to the wolves – итларга
 (бўриларга ем қилиш) емиш қилмоқ
 one must howl with the wolves (he who
 keeps company with the wolf will learn to howl) –
 қозонга яқин юрсанг қораси юқади
an ass - Act/play the ass – беҳуда
 гапларни гапирмоқ
 the ass dreams of thistles – туя ҳаммомни
 орзу қилибди
 never bray at an ass – ўзингни ҳайвондай
 тутма
a cow - a cursed cow has short horns –
 қисир сигирдай
 a milch (milking) cow – соғин сигир
 (кимдандир фойдаланиш)
 you can't sell the cow and drink its milk –
 икки оёқни бир этикка тикмоқ
a sheep- a lost sheep – тўғри йўлдан
 адашмоқ
 one scabbed sheep infects the whole flock
 – ёмон қўй подани бузади
a fox - a fox is not taken twice in the same
 snare – қари тулкини алдаб бўлмайдиган
a bull- an Irish bull – ақлга сиғмайдиган
 ёлғон
 shoot/sling/throw the bull – алжирамоқ,
 мақтанмоқ
a bear- catch the bear before you sell his
 skin – санамай саккиз дема, жўжани кузда
 санаймиз
 are you there with your bears – яна ўша
 эски гапми
 as cross as a bear – итдай қутурган
 as bristle as a **bee**- тиним билмас
a lion- a great lion – машҳур инсон
 a lion in the path/in the way –
 яқинлашаётган хавф
a monkey - as agile as a monkey – олғир,
 фирибгар, маймундай олғир
 put smb's monkey up – бировнинг
 жаҳлини чиқармоқ, қонини қайнатмоқ

a lamb - as quiet as a lamb – кимдандир
 олдинда, кимдандир орқада
 one's ewe lamb – бебаҳо бойлик, ёлғиз
 фарзанд
a rabbit as scared as a rabbit – ўлғудай
 қўрқмоқ
cat-and-dog - *cat-and-dog existence/life*
 – ит-мушукдай
rain cats and dogs – челақлаб ёмғир қуйди
a mule -as stubborn as a mule – эчкидай
 қайсар
 Ҳозирги кунда инсон фаолиятининг кўп
 соҳалари ҳайвонлар билан боғлиқ: қишлоқ
 хўжалиги, саноат, фан ва спорт кабилар.
 Инглизлар ҳам бошқа халқлар сингари
 ҳаётларини уй ҳайвонларисиз тасаввур қила
 олмайдилар. Масалан, кўп оилалар итлар ва
 мушукларга ғамхўрлик қилади. Бу,
 ҳайвонларнинг ишончли ҳимоячи, ёлғизликка
 қарши курашиш воситаси, содиқ дўст ва яхши
 суҳбатдош бўлишини англатади. Шу сабабли
 фразеологик бирликларнинг шаклланишида
 зоонимларнинг фаол иштирок этиши
 одамларнинг ҳайвонларга бўлган муносабати
 билан изоҳланади.
 Предметлар номларини кўчма маънода
 ишлатиш инглиз тилига ҳам хосдир. Ҳайвонлар
 номлари ҳодиса ва предметларни, асбоб-
 анжомлар, ўйинлар ва идишларни ҳам
 ифодалаш мумкин. Масалан:
 wildcat – ишончсиз иш, ташкилот
 the cow with the iron tail – сохта сут
 тайёрлайдиган аппарат
 a dog in a blanket – мурабболи пудинг
 fox and geese – тулки ва ғозлар (ўйин)
 fox and hounds – тулки ва кучукчалар
 (бир киши қочади, кўпчилик қувлайдиган
 болалар ўйини)
 a stalking horse – баҳона,
 қалбакилаштириш
 Бироқ, фразеологизмларнинг энг кўп
 тарқалган тури – бу, инсон характери,
 сифатлари, ташқи кўриниши, ақлий
 салоҳиятига баҳо беришда ҳайвонлар
 номларидан фойдаланишдир. Зоонимлар
 кўпинча инсон ахлоқий ва интеллектуал
 сифатларининг рамзи сифатида ҳам
 ифодаланади.
 Зоонимик компонентли фразеологик
 бирликларнинг таҳлили маълум хислатлар ёки
 сифатлар турли ҳайвонларга хос хусусиятлар,
 деган хулосани берди. Ушбу фикрни қуйидаги
 мисоллар билан асослаш мумкин:
 ass – қайсар, ақлсиз одам, bull –
 қатъиятли, агрессив, donkey – қайсар, овсар,
 elephant – бесўнақай, fox – айёр, hare – қўрқоқ,
 horse – меҳнаткаш, тиришқоқ, lamb – мурасали,

lion – қўрқмас, машхур шахс, monkey – олғир, товламачи, mouse – ночор.

Ҳайвонларнинг номлари одамларга метафорик равишда кўчганда, семантик тузилишда сезиларли ўзгаришлар юз бераётганини ва бевосита сўзга қўшимча маъно бераётганини кўриш мумкин. Бундай ўзгаришларда икки турдаги хусусиятларни ажратиш мумкин. Биринчи томондан, биологик тур вакили бўлмиш бирон-бир ҳайвонга хос белгиларнинг одамларга кўчиб ўтишидир. Масалан, эшакнинг қайсарлиги, отнинг меҳнаткашлиги, шернинг жасорати ва бошқалар. Аммо, бошқа томондан, аслида инсонга хос хусусиятлар интеллектуал, ҳиссий ва хоҳиш-истак кабилардан қатъий назар, одамларнинг ўзлари ҳайвонларга хос белгиларни топадилар. Инглизлар эшакни (ass ва donkey) ахмоқ, мушукни енгил ҳаёт кечирувчи, майшатга берилган, маймунни фирибгар ва безори, тўнғизни очкўз, деб аташади.

Фикримизча, инглизларда ҳайвонлар муайян ассоциацияларда бирлашади, яъни зоонимик компонентли фразеологик бирликлар умуммиллий характерга эга. Ҳайвонларга хос баъзи белгилар бу халқнинг онгига сингиб кетгани кўринади.

Муайян вазиятларда пайдо бўладиган ҳар қандай зооним инсонга хос бирон-бир

характерни тавсифлаши мумкин, аммо фақат айримларигина Англиянинг маданияти, мамлакат ҳудудидаги ҳайвонлар, уларнинг инсон ҳаётида тутган ўрни ва менталитети билан боғлиқ барқарор мажозий маъно касб этган.

Зоонимик компонентли фразеологик бирликлар, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, инглиз тилининг алоҳида сатҳини ташкил қилади. Таҳлилга тортилган фразеологик бирликлар фразеологиянинг барча лексик ва семантик хусусиятларига эга бўлиб, фразеологик бирликлар маъносининг денотатив, сигнификатив ва коннотатив аспекти билан боғланган ҳолда юқори образлилик ва таъсирчан ифодаси билан ажралиб туради.

Фразеологик бирликдаги зооним компоненти аниқ ассоциатив боғланишларни олдиндан белгилаб берадиган ва одамларга нисбатан ишлатилганда маълум бир аҳамият касб этадиган миллий-маданий ўзига хос хусусиятга эга.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўтказган таҳлилларимиз натижасида зооним таркибга эга фразеологик бирликларни ўрганишни бошқа тиллардан кўпроқ материаллар тўплаш ва улардан қиёсий ўрганиш мақсадларида давом эттириш мумкин.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев Ш.Д. Таржима асарларда фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида). НДА. – Т., 2006.
2. Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии [Текст] / Н.Н. Амосова. – М.: Либроком. 2010.
3. Бозорбоев К.Т. Ўзбек сўзлашув нутқ фразеологизмлари. НДА. –Самарқанд, 2001.
4. Виноградов В.В. Об основных типах фразеологических единиц в русском языке [Текст]/ В.В. Виноградов. – М.: Наука. 1986.
5. Смирницкий А.И. Лексикология современного английского языка [Текст]/ А.И. Смирницкий. – М.: изд-во МГУ. 1998.
6. Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар. НДА. –Т., 1998.
7. Халикова М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картине (на материале русского и узбекского языков). АҚД. –Т., 1999.
8. АBBYY Lingvo Live [Электронный ресурс]:<https://www.lingvolive.com/en-us/> 2017.
9. Longman Dictionary of Contemporary English [Электронный ресурс]: <http://www.ldoceonline.com/> 2017.
10. Фразеология.ру [Электронный ресурс]: <http://www.frazeologiya.ru/> 2017.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).